

# 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 8 августдаги ПҚ-\_\_\_\_\_ -сон қарорига  
1-илова

## 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Сарф-харajatлар (млрд сўм)	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш</b>					
1.	Саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 95 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 5 000 та янги иш ўринларини яратиш.	99,4  57,0  52,8 (5,2 млн доллар)	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари тижорат банклари кредитлари хорижий инвестициялар	2020-2021 йиллар	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари
2.	Туманнинг табиий газ таъминоти яхши бўлган “Навобод” МФЙ ҳудудида “Риштон кулолчилик маркази” билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали, кулолчилик, чинничилик ва ёғоч ўймакорлигига ихтисослашган “Хунармандчилик маркази”ни барпо этиш ва бу орқали 60 нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш.	0,6	Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси маблағлари	2020 йил	Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Худудгазтаъминот” АЖ
3.	“Себзор” МФЙ ҳудудида “Микрокредитбанк” АТБ хусусий шерикчилиги асосида адрас, атлас ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Тўқув тикувчилик” кооперация марказини ташкил этиш	1,2	“Микрокредитбанк” АТБ, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Янги иш ўринлари ташкил этишни	2020 йил	“Микрокредитбанк” АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги

	ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан кооперация асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотишни ташкил этиш ва бу орқали кам таъминланган оилалар вакиллари бўлган 120 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш.		рағбатлантириш ҳудудий жамғармаси” ва ташаббускорларнинг ўз маблағлари		
4.	Тумандаги майдони 0,5 гектар бўлган 6 та бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида инвесторларнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда бошланғич нархини белгилаш орқали Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги қўшма қарорига асосан тадбиркорларга янги иш ўринларини яратиш мажбурияти билан оммавий савдоларда сотиш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	Савдога чиқариш 2020 июль, лойиҳаларни амалга ошириш – 2020-2021 йиллар	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
5.	“Сўх деҳқон бозори” МЧЖ устав капиталидаги давлат улушини (51%) инвесторлар таклифлари асосида ҳудудий танлов комиссияси орқали белгиланган тартибда инвестиция киритиш шарти билан оммавий савдо орқали сотиш ва бозор негизида замонавий савдо комплексини ташкил этиш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
6.	“Қалъача” МФЙда 2 гектар, “Чашма” МФЙда 2 гектар, “Равон” МФЙда 1 гектар, “Ҳушёр” МФЙда 1 гектар, жами 6 гектар майдонда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	“Инқирозга қарши курашиш жамғармаси”, Кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун ажратилган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда Фарғона вилояти маҳаллий	2020 йил	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминоти” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ
					2 / 19

			бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан		
7.	Халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, миллий ва чет эл валютасини айирбошлашга мўлжалланган замонавий 2 та “Банк хизматлари маркази” ва 1 та “24/7 ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаси”ни ташкил қилиш	Ҳисоб-китоблар асосида	“Агробанк” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, Халқ банк	2020 йил 1 сентябрь	“Агробанк” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, Халқ банк, Фарғона вилояти ҳокимлиги
8.	Четдан олиб келинадиган чорва молларини аҳоли томонидан сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ҳисобидан кредитлар ажратиш.	Кредит олиш истагини билдирган фуқаролар рўйхати асосида	Халқ банки ва “Агробанк” АТБ кредитлари		Халқ банки, “Агробанк” АТБ, Фарғона вилоят ҳокимлиги
9.	Оҳактош, гил, бентонитли гил, гипс, сланец, қум ва шағал истиқболли майдонида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва кон захираларини тасдиқлаш.	Лойиҳа ҳужжатлари га асосан	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан	2020 йил 15 декабрь	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
10.	Мавжуд фойдаланилмаётган норуда фойдали қазилма Сураттош мрамор (635 минг м3) ва Суратсой қурилиш тоши (830,7 минг м3) конларини саноат йўсинида ўзлаштириш учун салоҳиятли тадбиркорларга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш.  Мазкур конларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.	Ҳисоб-китоблар асосида  Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2020 йил август  2021 йил 1-ярим йиллик	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси  Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Ўзсаноатқуриш материаллари” уюшмаси
11.	Цемент ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш.	79,0	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитлари	2021 йил	“Ўзсаноатқуриш материаллари” уюшмаси,  Фарғона вилояти ҳокимлиги,  Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

					қисқартириш вазирлиги, тижорат банклари
12.	Қўлда тўқиладиган гиламчилик корхонаси фаолиятини ташкил этиш.	1,5	Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари ҳамда “Микрокр едитбанк” АТБ кредитлари	2020 йил	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги
13.	“Чашма” булоғининг сувини қадоқлаб, ишлаб чиқариш бўйича корхона ташкил этиш.	1,0	Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитлари	2021 йил март	Ўзмилийбанк, “Агробанк” АТБ, Фарғона вилояти ҳокимлиги
14.	“Озод” ширкат хўжалигида замонавий чорва комплексини қуриш ва насли қорамол олиб келиш.	Бизнес- режа асосида	Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари, “Агробанк” АТБ кредитлари	2020 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, “Агробанк” АТБ
15.	Балиқчилик йўналишида 2 та лойиҳа бўйича 1,5 гектар майдонда интенсив усулда совуқ сувга мослашган балиқларни етиштиришни ҳамда Тошкент шаҳридаги йирик савдо комплексларига етказиб беришни йўлга қўйиш.	Бизнес- режа асосида	Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2021 йил	“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, тижорат банклари
16.	Йирик тадбиркорларни жалб қилган ҳолда туманда 20 минг бошга мўлжалланган йирик паррандачилик комплексини ташкил этиш.	1,5	Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари ва “Ўзсаноат-қу рилишбанк” АТБ кредитлари	2020 йил	“Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
17.	2020 йилда йиллик қуввати 200 тонна бўлган мева- сабзавотни қайта ишлаш ва сақлаш корхонасини ташкил этиш.  2021 йилда камида 5 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш.	1,5	“Агробанк” АТБ кредитлари  (1,0 млрд сўм) ва ташаббускор ларнинг ўз маблағи  (0,5 млрд сўм)  Ташаббускорлар нинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2020 йил    2021 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Агробанк” АТБ, тижорат банклари
18.	“Ҳушёр” МФЙ ҳудудидаги янги ўзлаштириладиган ерларда ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 10 минг дона ёнғоқ, 10 минг дона писта ва 20	2,0	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси маблағлари ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш	2020 йил ноябрь	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги

	минг дона бодом кўчатларини етказиб бериб, 50 гектар ер майдонда бодомзор, пистазор ва ёнғоқзорлар ташкил қилиш.		жамғармаси маблағлари		
19.	Республикамизнинг бошқа ҳудудларидан яхши тажрибага эга бўлган йирик тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда 10 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш.	60,0	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2021 йил	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, тижорат банклари
20.	1 230 гектар боғ майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, эски ва самарсиз боғлар ўрнида интенсив боғларни ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш ва камида 50 гектар майдонда интенсив олма боғларини плантация шаклида ташкил этиш ҳамда аҳолига 20-30 сотихдан сотиш орқали 250 та янги иш ўринлари яратиш.	0,6	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2020-2021 йиллар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги,  Фарғона вилояти ҳокимлиги, тижорат банклари
21.	3 та ширкат хўжаликларида иш юритишни оилавий пудрат асосида ташкил этиб, 1 гектар майдонга 5 тадан оилани пудрат усулида бириктириш орқали 5 100 та оилани иш билан бандлигини таъминлаш.			2020 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,  Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
22.	Аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида банд қилиш мақсадида туманнинг “Тул”, “Ҳазрати Али” ва “Хушёр” МФЙлари ҳудудида 10 гектардан жами 30 гектар ер майдонида 3 та қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш ва кооперативларга аъзо этиб қабул қилинган 200 нафар ишсиз фуқароларнинг ҳар бири учун	0,45	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	2020 йил август	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши
	2,2 млн сўмдан субсидия ажратиш.				5 / 19
23.	Тумандаги “Қайроқ”,	0,89	Бандликка	2020 йил	Фарғона вилояти

	“Варган”, “Тоён”, “Жавпая”, “Дукур” массивларидаги ҳамда “Сўх”, “Озод”, “Хушёр” ширкатлари ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўзлаштириш орқали фуқароларга 20 сотихдан дала томорқалари учун ер майдони ажратиб, ҳар бир фуқарога 2,2 млн сўмдан субсидия ажратиш.		кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	сентябрь	ҳокимлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши
24.	Йил якунига қадар банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб этиш ҳисобига 2 235 та, эҳтиёжманд ва кам таъминланган ишсиз фуқароларнинг шахсий томорқаларига 2,2 млрд сўм субсидия ажратиш ҳисобига 325 та, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун субсидия бериш ҳисобига 122 та, эҳтиёжманд аҳолини ишга қабул қилиш учун субсидия ажратиш орқали 25 та, ишсизлик нафақаси тўлаб бериш ҳисобига 60 та, вакант иш ўринларига ишсиз фуқароларни доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳисобига 180 та, Агросаноат ва Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари базасида қисқа муддатли касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш ҳисобига 300 та ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш.	6,6	Жамоат ишлари жамғармаси,  Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	2020 йил	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши
25.	“Сўх-дон” хусусий корхонасидаги мавжуд тегирмон цехини замонавий технологиялар асосида модернизация қилиб, йиллик ун ишлаб чиқариш қувватини қўшимча 18 минг тоннага ошириш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2021 йил июнь	Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Ўздонмахсулот” АК
26.	Туманнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштириш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020–2021 йиллар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Картошка етиштирувчилар

					уюшмаси
27.	Сўх дарёси ҳимоя зонасидаги ер майдонларини хатловдан ўтказиш ва шוליчилиқка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативини ташкил этиш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
28.	Хотин қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида туман ҳудудидаги мавжуд тикув-трикотаж корхоналарига буюртмалар тақдим этган ҳолда узлуксиз фаолият юритишини ташкил этиш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Тадбиркорларнинг ўз маблағлари	2020 йил	“Ўзтўқимачилиқсаноат” уюшмаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги
29.	Туристларни жалб қилиш учун зарур инфратузилмани ташкил қилган ҳолда экотуризмни ривожлантириш, меҳмон уйларини ташкил қилиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари	2020-2021 йиллар	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
<b>II. Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш</b>					
30.	160 км шағал қопламали йўлларни цементобетон қопламага ўтказиш ва асфальт қоплама ётқизиш, 106 км тупроқ йўлларни шағал қопламага ўтказиш ва 40 км цементобетон пиёдалар йўлакларини қуриш:  2020 йилда 96 км йўл ва 20 км пиёдалар йўлаклари;  2021 йилда 170 км йўл, 20 км пиёдалар йўлаклари.	104,1 шундан:  34,6  69,5	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетидан ички йўлларни таъмирлаш учун кўзда тутилган маблағлар доирасида	2020 йил  2021 йил	Автомобиль йўллари қўмитаси,  Фарғона вилояти ҳокимлиги,  Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
31.	Фарғона вилояти Риштон туманидан Сўх туманига Риштон-Равон йўналиши бўйича автобуслар (микрoавтобус) қатновини (Қирғизистон орқали транзит) йўлга қўйиш.	1,2	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	Қирғизистон Республикаси ер ҳудудидан фойдаланиш ва чегара ўтказиш пунктларини очиш масалалари ҳал этилгандан сўнг ўн кун ичида	Транспорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги,  Давлат божхона қўмитаси,  ДХХ Чегара қўшинлари
					7 / 19

32.	Туманнинг “Офтобру”, “Тул”, “Хушёр”, “Қақир”, “Қарир-Себзор”, “Сариканда”, “Ҳазрат али”, “Равон”, “Янгиариқ”, “Навобод”, “Ленбург”, “Қалача”, “Ғазнов”, “Сўх”, “Чашма”, “Демурсад”, “Шарқобод” МФИлари ҳудудида яшовчи 59 минг нафар аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 274 км ичимлик сув тармоғи тортиш ва 30 та ичимлик сув иншооти қуриш ва реконструкция қилиш.  Шунингдек, туман сув таъминоти корхонасига 4 та техника воситаларини ажратиш.	48,0  60,5	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Фарғона вилояти учун қўшимча ажратилган маблағлар ҳисобидан	2020 йил  2021 йил	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги,  Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
33.	Тумандаги марказий А.Темур кўчасининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.  Мазкур лойиҳага асосан кўчани замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилиш, кўчада кўп квартирали уй-жойлар ҳамда бозор инфратузилма объектларини қуриш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Фарғона вилояти маҳаллий бюджети, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, тижорат банклари кредитлари	2020 йил сентябрь  2020–2021 йиллар	Қурилиш вазирлиги,  Фарғона вилояти ҳокимлиги  Фарғона вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,  тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари
34.	“Чашма” булоғи атрофини ободонлаштириш, булоқни тозалаш тизимини жорий этиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Фарғона вилояти маҳаллий бюджети ва ҳомийлик маблағлари	2020 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги,  ДХХ Чегара қўшинлари, Қурилиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
35.	Туман марказида Ровон шаҳар бош режасига мувофиқ ҳар бири 30 хонадонли 7 та 5 қаватли уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топшириш.	28,0	2020 йилда қишлоқ жойларда кўп-квартирали арзон уй-жойлар қуриш учун Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан	2020 йил декабрь	“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ,  Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
					8 / 19 Молия вазирлиги, Қишлоқ қурилиш банк
36.	Сўх тумани Чашма	Лойиҳа-	“Қишлоқ	2020 йил	“Қишлоқ қурилиш



	қишлоғидаги бўлиб ўтган тартибсизликлар оқибатида бузилган 2 та уйни таъмирлаш.	смета хужжатлари асосида	қурилиш инвест" ИК" МЧЖ маблағлари ҳисобидан	август	инвест" ИК" МЧЖ
37.	Туман аҳолисига суюлтирилган газни ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш мақсадида барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган суюлтирилган газ тўлдириш мажмуасини қуриш.	1,8	"Худудгазтаъминот" АЖ маблағлари	2020 йил август	Энергетика вазирлиги, "Худудгазтаъминот" АЖ
38.	Туман ҳудудидаги табиий газ билан таъминланган 8 536 та аҳоли хонадонларига замонавий электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда автоматлаштирилган тизимга улаш.	8,0	"Худудгазтаъминот" АЖ маблағлари	2021 йил октябрь	Энергетика вазирлиги, "Худудгазтаъминот" АЖ
39.	Тумандаги 12,9 км табиий газ тармоғини жорий таъмирлаш ва туман газ таъминоти корхонаси моддий техника базасини яхшилаш мақсадида 3 та махсус автотранспорт воситасини ажратиш.	2,0	"Худудгазтаъминот" АЖ маблағлари	2020 йил декабрь	Энергетика вазирлиги, "Худудгазтаъминот" АЖ
40.	Туманнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 46 та трансформатор пунктларини модернизация қилиш, 103,1 км ҳаво тармоқларини янгидан қуриш ва таъмирлаш ҳамда 14 000 та аҳоли хонадонларига онлайн режимда ишлайдиган олдиндан тўлов тизимига эга электрон электр ҳисоблагичларни ўрнатиш.	12,1	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари	2020 йил декабрь	Энергетика вазирлиги, "Худудий электр тармоқлари" АЖ
41.	"Ленбург", "Қалъа", "Сарибозорча", "Ҳазрати Али", "Шарқобод", "Офтобрў", "Сўҳибкор", "Қалъача", "Девайрон", "Малбут", "Чашма", "Гулистон", "Чумоқча", "Ҳушёр", "Себзор", "Қақир", "Қизилқиёқ" ва "Сўх" МФЙларнинг тор кўчаларига тунги ёриткичлар ўрнатиш.	Лойиҳа-смета хужжатлари асосида	Фарғона вилояти маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари ҳисобидан	2020 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги
42.	Юқори тезликдаги	4,24	"Ўзбектелеком"	2020 йил	Ахборот технологиялари

	интернет ва замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида замонавий радиореле қурилмасини ўрнатиш орқали магистрал телекоммуникация тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини 10 бараварга ошириш, оптик GPON технологияси асосида 512 портга тенг қурилмалар ўрнатиш, туман маркази ҳамда Ленбург МФИни телекоммуникация транспорт тармоғи билан улаш мақсадида 20 км оптик толали алоқа линияларини ташкил этиш.		АК маблағлари	декабрь	ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
43.	Мобиль алоқа ва интернет хизматларини сифатини яхшилаш:  “Ўзбектелеком” АК “Ўзмобиайл” филиали томонидан мобиль алоқа тармоғидаги 9 та база станцияларни юқори тезликдаги интернет технологияси асосида модернизация қилиш ва 3 та қўшимча янги база станцияларини ўрнатиш орқали аҳоли пунктлари қамровини 99,9 фоизга етказиш;  “UMS” МЧЖ томонидан “Навобод” ва “Демурсад” МФИлар ҳудудларида 2 та юқори тезликдаги интернет технологияси асосида база станцияларини ўрнатиш ҳамда 2 та мавжуд база станцияларни замонавий технология асосида модернизация қилиш;  “COSCOM” МЧЖ томонидан “Соҳибкор” ва “Ленбург” МФИлар	4,3  1,3  1,1  1,2	“Ўзбектелеком” АК маблағлари  ташаббускорлар маблағлари  ташаббускорлар маблағлари  ташаббускорлар маблағлари	2020 йил июль  2020 йил декабрь  2020 йил октябрь  2020 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
	ҳудудларида 2 та юқори тезликдаги интернет технологияси асосида				10 / 19

	база станцияларини ўрнатиш; “UNITEL” МЧЖ томонидан юқори тезликдаги интернет технологияси асосида 2 та янги база станцияларини ўрнатиш ва 1 та мавжуд база станциясини замонавий технология асосида модернизация қилиш.				
44.	Сўх тумани маҳаллий телевидениеси дастурларининг қамров ҳудудини кенгайтириш.	0,5	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	2020 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК, Фарғона вилояти ҳокимлиги
45.	Туманда IP телевидение хизматларини жорий этиш.	0,1	“Ўзбектелеком” АК маблағлари	2020 йил октябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
46.	Тумандаги Равон почта алоқа боғламаси ва мавжуд 2 та алоқа бўлимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни марказлашган ахборот тизимларига улаш, замонавий хизматлар кўрсатиш имконини яратиш.	0,02	“Ўзбекистон почтаси” АЖ маблағлари	2020 йил октябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбекистон почтаси” АЖ
47.	Ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш мақсадида 27 та мактаб, 21 та мактабгача таълим, 5 та соғлиқни сақлаш муассасаларига жами 56 км оптик толали алоқа линияларини тортиш.	1,98	“Ўзбектелеком” АК маблағлари	2020 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
48.	Туман ҳудудида фаолият юритаётган 13 та давлат идора ва ташкилотларини (Қишлоқ хўжалиги, Ветеринария, Курилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Экология,	Ҳисоб-китоблар асосида	Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳамда Фарғона	2020–2021 йиллар	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат

	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ғазна, Пенсия жамғармаси бўлимлари, “Тоза ҳудуд” ДУК, “Сувоқава” ДУК, Ободонлаштириш бошқармаси, Маънавият бўлими) алоҳида бинолар билан таъминлаш ҳамда моддий техника базасини ривожлантириш.		вилояти маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари		кўрсатиш вазирлиги,  Молия вазирлиги,  Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Давлат экология қўмитаси
49.	Туман давлат архивини алоҳида бино билан таъминлаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Фарғона вилояти маҳаллий бюджети	2021 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, “Ўзархив” агентлиги
50.	Туманнинг “Тоза ҳудуд” ДУК ҳисобига 1 донга чиқинди тозалаш учун занжирли техника ва 2 донга махсус чиқинди ташиш учун “ISUZU” русумли автомашинаси ажратиш.	2,0	Давлат экология қўмитаси махсус жамғармаси маблағлари	2020-2021 йил	Давлат экология қўмитаси

### III. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

51.	180 ўринга мўлжалланган қўшма типдаги (4 та гуруҳ умумий типдаги (120 ўрин) ва 4 та гуруҳ ақлий ва руҳий ривожланишида нуқсонли бор болалар учун (60 ўрин) мўлжалланган) давлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	2020 йилда Мактабгача таълим вазирлигига Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан	2020 йил-	Мактабгача таълим вазирлиги,  Фарғона вилояти ҳокимлиги
52.	Туманда 10 та оилавий шаклдаги мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш, 11 та мактабгача таълим ташкилотининг бўш турган хоналарини таъмирлаш орқали қўшимча гуруҳлар очиб, туманда мактабгача таълим тизимига жорий йил яқунларига кўра болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 37,4 фоиздан 53 фоизга етказиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил	Мактабгача таълим вазирлиги,  Фарғона вилояти ҳокимлиги
53.	2020 йилда “Шарқобод” МФЙдаги 14-сон мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	2020 йилда Мактабгача таълим вазирлигига, Инвестиция дастури доирасида	2020 йил	Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
	2021 йилда “Қақир” МФЙ	Лойиҳа-		2021 йил	Курилиш вазирлиги,

	худудида янги давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш.	смета ҳужжатлари асосида	ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан,  Инвестиция дастури доирасида		Молия вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
54.	“Сарибозорча” МФИ худудида 25-сон мактабга қўшимча 240 ўринли янги бино қуриш.  2021 йилда “Офтобру” худудида 220 ўринли янги мактаб қуриш, 4, 18, 25-сон мактабларни реконструкция қилиш, 1-сон мактаб биноларини мукамал таъмирлаш.	2,5  Лойиҳа смета ҳужжатлари асосида	2020 йилда Халқ таълим вазирлигига Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан  Инвестиция дастури доирасида	2020 йил  2021 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,  Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги
55.	Тумандаги хорижий давлатлар дипломларига эга бўлган фуқароларни рўйхатларини шакллантириш, дипломларини нострификация қилишга кўмаклашиш.	-	-	Доимо	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси,  Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
56.	Туман тиббиёт бирлашмасининг 25 ўринли юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш.  Кардиология, эндокринология, неврология, травматология ва болалар бўлимлари биноси ҳамда “Ленбург” ва “Мулғон” қишлоқ врачлик пунктлари биносини янгидан қуриш ва 7 та мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари биноларини реконструкция қилиш.	3,6  Лойиҳа смета ҳужжатлари асосида	2020 йилги Инвестиция дастури доирасида  Инвестиция дастури доирасида	2020 йил  -  2021 йил ва келгуси йилларда	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,  Молия вазирлиги
57.	Туман касалхонасини зарур замонавий тиббий ускуналар ва махсус жиҳозланган автотранспорт (реанимобиль), тез	1,5	2020 йилги Инвестиция дастури доирасида  Соғлиқни сақлаш	2020 йил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги

	тиббий ёрдам бригадаларини замонавий тиббий жиҳозлар ва кислород ишлаб чиқариш мини станцияси билан таъминлаш.		муассасаларини тиббий асбоб ускуналари учун ажратилган маблағларни иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан		
58.	Тумандаги марказий шифохонани Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда республика тиббиёт марказлари ўртасида замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда телемедицина тизимини жорий этиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	2020 йил сентябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
59.	Тор соҳа мутахассислар таъминотини яхшилаш ва аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Сўх туманида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг малака оширишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиш, клиник ординатура ва магистратура босқичларига қўшимча имтиёзли квоталар ажратиш.	-	Давлат грантлари бўйича квоталарни ошириш лимитлари доирасида	2020 йил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
60.	Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихоналарга дори-дармон воситаларни имтиёзли равишда марказлашган тартибда етказиб бериш ҳамда аҳоли кўп яшайдиган (“Демурсад”, “Ғазноб”, “Чашма” МФЙ) ҳудудларда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қўшимча дорихоналар ташкил этиш.	Ҳисоб-китобларга мувофиқ	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил якунига қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Дори-дармон” АК
61.	Туман касб-ҳунар мактаби биносида тумандаги мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун табиий ва аниқ фанлар бўйича тайёрлов курсларини ташкил этиш.	Ҳисоб-китобларга мувофиқ	Фарғона вилоятидаги олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	2020 йил	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги
					14 / 19

62.	Рақамли технологиялар ўқув марказини ташкил этиш ҳамда мактаблардаги информатика синфларида компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника ва бошқа тўғаракларни ташкил этиш.	Ҳисоб-китобларга мувофиқ	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил декабрь	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
63.	Маҳалла фуқаролар йиғинлари иш фаолиятини яхшилаш мақсадида ўз балансига эга бўлмаган:  11 та маҳалла фуқаро йиғини учун хизмат биноларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш;  4 та маҳалла фуқаро йиғини биносини Фарғона вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан қуриш;  5 та маҳалла фуқаро йиғини биноларини капитал таъмирлаш, 27 та маҳалла фуқаролар йиғинларини компьютер жамланмалари ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари  Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан  “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари	2020 йил  2020–2021 йиллар  2020 йил	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
64.	Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида туман марказида ёшлар истироҳат боғи ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун замонавий жиҳозланган ёзги амфитеатрни ташкил этиш.	8,0	Фарғона вилояти маҳаллий бюджети ва Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари	2021 йил	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги
65.	Туманда “Ёшлар спорт комплекси”ни ташкил этиш.  Сўх тумани болалар-ўсмирлар спорт мактабининг “Ровон” шаҳарчасида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлари ҳамда очиқ уйингоҳини тўлиқ реконструкция қилиб ва унинг негизида Сўх тумани 2-сон болалар ва	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Инвестиция дастури доирасида	2021 йил	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
					15 / 19

	Ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини йўлга қўйиш.				
66.	“Офтобру” МФЙ ҳудудида жойлашган собиқ Ижтимоий-иқтисодий ва педагогика касб-хунар коллежи биносининг ҳозирда фаолият кўрсатмаётган ёпиқ спорт зал биносини туман болалар-ўсмирлар спорт мактабига бепул ўтказиш ва болалар-ўсмирлар спорт мактабининг мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Инвестиция дастури доирасида	2021 йил	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
67.	Ўрта махсус маълумотли 7 нафар тренерларни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг махсус сиртқи таълим шаклига мақсадли қабул қилиш ва жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни 34 нафарига тренерлик фаолияти билан шуғулланиши учун бепул асосда рухсатнома бериш.	-	-	2020/2021 ўқув йили	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**IV. Қишлоқ хўжалиги ерлари ва аҳоли томорқаларини сув таъминотини яхшилаш, фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш ҳамда сел-тошқин оқибатларини олдини олиш**

68.	Сўх тумани Қайроқ массивидаги 1 448 гектар яйлов майдонларини ўзлаштириш учун уч кўтармали “Қайроқ” насос станциясини босқичма-босқич қуриш.	10,0 - - - 80,7	Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари  Инвестиция дастури доирасида	2020 йил  -  2021-2023 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги
69.	Сўх тумани Ҳушёр ширкат хўжалиги Бўстон ҳудудидаги 600 гектар экин ер майдонлари ва 100 гектар аҳоли томорқаларини кафолатли сув билан таъминлаш учун	1,3	Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари	2020 йил сентябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги

“Ҳушёр-1” ва “Ҳушёр-2” насос станцияларини таъмирлаш, 1 дона янги



	насос агрегатини ўрнатиш ва 1,5 км узунликдаги юқори кучланишли электр линияси тортиш.				
70.	Туманнинг “Варган”, “Касмидон”, “Самидон”, “Малбут”, “Девайрон”, “Тоён” ва “Хушёр” массивларидаги фойдаланишдан чиқиб кетган 336 гектар суғориладиган ер майдонларини 11 та тик суғориш қудуқлари ва насос агрегатларини қуриш орқали ўзлаштириш.  Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2 та бурғулаш техникасини ажратиш.	3,5	Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари	2020 йил сентябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
71.	4 525 та хонадоннинг 462 гектар томорқа ер майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида 12 та тик қудуқ қазиш ва “Шарқобод” ҳудудидаги мавжуд насос агрегатларни тўлиқ реконструкция қилиш.	5,4	Инвестиция дастури доирасида	2021–2022 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
72.	Лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда “Жавпоя” массивидаги адирлик ер майдонларини ўзлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича хулоса тайёрлаш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари	2020 йил сентябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
73.	Туманда барча турдаги техникаларга бўлган талабни аниқлаш ва талаб этиладиган техникаларни 2020–2021 йилларда тижорат банкларининг кам фоизли кредитлари ёки лизинг асосида етказиб бериш.	Ҳисоб-китоблар асосида	Лизинг ташкилоти маблағлари	2020 йил, сентябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагролизинг” АЖ, Фарғона вилояти ҳокимлиги, тижорат банклари
74.	2020 йилда 9,5 км ва 2021 йилда 12,4 км сел йўллари таъмирлаш ва	Жами 27,1 млрд сўм, шундан	Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ва	2020–2021 йиллар	Фарғона вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт

	қирғоқларни мустақамлаш ишларини амалга ошириш.	2020 йилда – 9,4 млрд сўм (шундан 3,3 млрд сўми  қарши  жамғарма сидан), 2021 йилда –  17,7 млрд сўм	Сел тошқини оқибатларини бартараф қилиш учун Ўзбекистон Республикасидан республика бюджетидан ажратилган маблағлар		ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
75.	Сўх тумани “Чашма” МФИ ҳудудидаги “Обиширсой” устида жойлашган “Тариқ” кўпригини янгидан қуриш.	1,9	Ўзбекистон Республикасидан республика бюджетидан (Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан)	2020 йил	Автомобиль йўллари қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>V. Ҳукуматлараро комиссиялар учрашувларида муҳокама қилинадиган масалалар</b>					
76.	Ўзбекистон – Қирғизистон Давлат чегаралари делимитация масаласини ҳал этиш.	-	-	Томонлар келишувига асосан	Ташқи ишлар вазирлиги, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, ДХХ Чегара қўшинлари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари
77.	Фарғона вилоятининг Риштон туманидан Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи Сўх туманига автомобиль йўлини очиш масаласини кўриб чиқиш.	-	-	Томонлар келишувига асосан	Ташқи ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Давлат божхона қўмитаси, ДХХ Чегара қўшинлари
78.	Қирғизистон ҳудудидаги яйловлардан фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш.	-	-	Томонлар келишувига асосан	“Давергеодезкадастр” қўмитаси, Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ДХХ Чегара қўшинлари

